

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ
ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИГА ДОИР
(1948-1952 ЙИЛЛАР, ДАВРИЙ МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)**

Турғунов Шерзод Абдувоситович

Фарғона давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси таянч докторанти

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар: Артел, Облинкоопсоюз, Биринчи беш йиллик артели, Стахановчилик, Иттифоқ артели, Мехнат бирлиги артели, Жин дастгоҳи, Линтер дастгоҳи, Ўзбек текстил уюшмаси.

Аннотация

Ушбу мақолада Наманган вилоятида 1948-1952 йилларда фаолият олиб борган энгил саноат корхоналари ҳақида қисқача маълумотлар бериб ўтилган. Бу маълумотларда вилоятдаги мавжуд энгил саноат корхоналари сони, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар турлари, 1948-1952-йилларда бу корхоналар тамонидан ишлаб чиқариш режаларини бажарилиши ишлаб чиқариш жараёнларига янгиликлар жорий этилиши қабилар акс этган. Шунингдек ушбу мақолада вилоятда 1948-1952 йилларда ташкил этилган янги саноат корхоналари ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Собиқ Совет тузуми даврида олиб борилган “қолдик сиёсати”нинг Наманган вилоятидаги энгил саноат корхоналарига кўрсатган салбий таъсири ҳақида фикр мулохазалар билдирилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

II жаҳон урушидан кейинги йилларда собиқ Иттифоқнинг барча ҳудудларида халқ хўжалигини қайта тиклаш ишлари жадаллик билан амалга оширилди. Айтилган жараёнлар уруш ҳаракатлари бўлиб ўтган ҳудудларда вайрон бўлган халқ хўжалиги ва саноатни қайтадан ташкил этиш тарзида амалга оширилди. Ҳамда, жанговар ҳаракатлари юз бермаган фронт орти республикаларида эса уруш манфаатларига хизмат қилган ва ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқарган саноат корхоналарини тинчлик даврига мосланган ҳолда қайта ихтисослаштириш ишлари амалга оширилди.

Халқ хўжалигини қайта тиклаш йилларида Ўзбекистон ССР ҳудудларида фаолият олиб борган энгил саноат корхоналари мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутган. Хусусан, 1948-1952 йилларда Наманган вилоятида жойлашган энгил саноат корхоналари халқ истеъмоли учун кенг турдаги моллар ишлаб чиқарган. Ушбу саноат корхоналари таркиби асосан 2 ва 4 сонли Наманган, 7-сонли Норин, 9-сонли Учқўрғон, Чуст, 5-сонли Қўғай, Поп район Гулбоғ пахта тозалаш завод¹ларидан иборат бўлган.

Шунингдек, вилоят ҳудудидаги Наманган тўқув – йигирув, 6-сонли тикувчилик, Наманган

¹ 1950 йил Задарё райони ташкил этилгач, ушбу пахта тозалаш заводи Задарё райони таркибига олинган. Ўзбекистон ССР Олий Советинининг 1950 йил 12 июндаги “Ўзбекистон ССР ҳудудида янги районларни ташкил этиш тўғрисида” ги қарори.//Правда Востока- 1950 йил июн 155- сон 1 Б

пойабзал фабрикалари ҳам ўрни ва аҳамияти жиҳатидан муҳим саналган.

Наманган вилояти ҳудудидаги артеллар қаторида республика аҳамиятига молик маҳсулот ишлаб чиқарувчилари алоҳида ўрин тутган. Хусусан, «Биринчи беш йиллик», «Сталин», «III интернационал», «Ҳамза», «1-май» номли артеллар фаолият олиб борган. Ҳамда, вилоят маҳаллий саноат бошқармаси таркибида энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи артеллар ҳам фаолият олиб борган. Улар «Шарк», «Коопинтруд», «Қизил армия», «Янги қадам», «Маданий турмуш», «Октябрнинг 31 йиллиги», «Восток», «Охунбобоев», «Қизил юлдуз», «Максим Горький», «Тинчлик учун» номли артеллар эди².

Бундан ташқари вилоятда «Вилоят инвалидлар кооперацияси уюшмаси (Облинкоопсоюз)» таркибида ҳам энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар бўлиб, улар қуйидаги артеллардан иборат бўлган. Жумладан, «Иттифоқ», «Янги турмуш», «Октябр 20 йиллиги», «Жданов», «Победа», «Утилчи», «Қизил куч», «Меҳнат бирлиги» артеллари шулар жумласидан эди.

Наманган вилояти энгил саноат корхоналари ичида пахта тозалаш заводлари алоҳида ўрин тутган. Айни ҳолат II жаҳон урушидан кейин йилларда Ўзбекистон ССРни собиқ Иттифоқнинг асосий пахта тайёрлаш базасига айлантириш мақсади билан узвий боғлиқ эди.

Ҳукуматнинг ХКС ва ВКП(б) МҚнинг 1945 йил июлида қабул қилинган «Ўзбекистон ССР да пахтачиликни қайта тиклаш ва ривожлантириш чоралари тўғрисида» ги қарори, ҳамда ХКС нинг 1946 йил 2- феввалида қабул қилинган «1946-1953- йилларда Ўзбекистон ССР да пахтачиликнинг қайта тиклаш ва янада ривожлантириш режаси ва тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари бу жараёнга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди³.

Ўзбекистон ССР ҳудудида пахта экиладиган майдонлар ҳажми оширилиб борилиши билан бир қаторда териб олинган пахтага бирламчи ишлов берувчи корхоналарни ташкил этиш ва уларни сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Оқибатда, Наманган вилояти пахта тозалаш заводларида ҳам асосан пахта хомашёсидан тола ажратиб олиш, момик тайёрлаш ишлари амалга оширилган. Пахта тозалаш заводларида ишлатиладиган дастгоҳларни электр қуввати билан таъминлаш ДЭС (дизел электр станцияси) орқали амалга оширилган. Пахта тозалаш заводларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун ишлатиладиган дастгоҳларни такомиллаштириш жараёнлари ҳам амалга оширилган. Шунингдек, иттифоқнинг барча саноат корхоналарида бўлгани каби Намангандаги заводларнинг ишчилари ўртасида ҳам турли социалистик мусобақалар ва ҳаракатларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, саноат корхоналари ўртасида «Кўчма Қизил Байроқ»ни қўлга киритиш бўйича мусобақалар ҳам ташкил этилган. Энгил саноат корхоналари ишчилари ўртасида «Стахановчилик» ҳаракатини кенг ёйилиши ҳам меҳнат унумдорлигини сезиларли даражада ортишига туртки берган. Масалан, «Меҳнат Қизил Байроқ ордени» учун Наманган 2- сонли пахта тозалаш заводи ишчилари ўртасида кунлик меҳнат мажбуриятини 2-3 баробар ошириб бажариш ҳаракати авж олган. Ҳамда белгиланган йиллик режани муддатидан олдин бажариш жараёнлари кенг ёйилган. Натижада, Наманган 2- сонли пахта тозалаш заводи ишчилари 1948 йил учун белгиланган режани 7-ноябр санасигача бажариш мажбуриятини олган⁴.

Шунингдек, Наманган вилоятининг бошқа пахта тозалаш заводлари ишчилари ўртасида ҳам 2- чорак меҳнат мажбуриятларини 1-май байрамига қадар бажариш ҳаракати кенг ёйилган. Ҳудди шу завод ишчилари томонидан заводдаги механизмларни тўхтовсиз ишлашини таъминлаш,

² Саноат янгиликлари // Сталин ҳақиқати. – 1948 йил, июнь. №121. – Б.1.

³ СССР Халқ Комиссарлар Советининг “ 1946-1953- йилларда Ўзбекистон ССРда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада ривожлантириш тўғрисида” ги қарори.// Правда Востока.-1946- йил март .№23 –Б-1

⁴ Йиллик режани 7- ноябргача бажарамиз // Сталин ҳақиқати. – 1948 йил, октябр. – № 147. – Б.2.

электр қувватини тежалиши натижасида 1948 йил май ойида режадан ташқари 165 тонна кўп тола ишлаб чиқарилган. Ҳамда ойлик режа 118,3 фоизга бажарилган. Заводнинг Ҳожимирза Тожибоев бошчилигида бригадаси ишчилари ойлик мажбуриятларини 120, 2 фоизга бажариб давлатга 78,5 тонна тола етказиб берган⁵.

Бироқ барча завод ва фабрикалар режани ўз вақтида бажара олмаганлар. Жумладан, белгиланган ойлик, чораклик, йиллик режаларни ўз вақтида бажараолмаслик ҳолатлари 7-сонли Норин пахта тозалаш заводида юз берган. Хусусан, 7-сонли Норин пахта тозалаш заводи 1946- йил учун белгиланган режадан 300 тонна кам тола топширган. 1947 йил ҳам завод учун белгиланган йиллик режа бажарилмаган, давлатга 3 минг тонна кам тола топширилган. Ушбу пахта тозалаш заводи 1948- йил 1- чорак учун белгиланган режани 81,9 фоизга бажарган, холос⁶.

Завод ва фабрикаларда меҳнат унумдорлигини ошириш жараёни ҳукумат томонидан амалга оширилаётган кенг миқёсдаги тарғибот ва ташвиқот натижасида, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш, сарфланадиган энергия ресурсларини тежаш йўли билан ҳам амалга оширилган. Белгиланган тартиб бўйича ҳар йил ёз фаслида вилоятдаги барча пахта тозалаш заводларида янги мавсумга тайёргарлик ишлари амалга оширилган. Бунда пахта қабул қилиш пунктларини таъмирлаш, пахта тозалаш заводларидаги дастгоҳларни жорий таъмирдан ўтказиш ва янги машиналарни ўрнатиш ишлари амалга ошрилган.

Наманган шаҳридаги 4-сонли ва Чуст пахта тозалаш заводларига 1948- йил июн ойида «Жин» дастгоҳи ўрнатилган. Шунингдек, Наманган шаҳридаги 3-сонли пахта тозалаш заводида 6 та янги «Линтер» дастгоҳи ўрнатилган⁷.

Ҳукуматнинг манфаатларидан келиб чиқиб, Наманган вилоятида 1948-1952-йилларда янги пахта тозалаш заводлари ташкил этилган. Хусусан, 1948-1949 йилларда вилоятда 5 та пахта тозалаш заводлари фаолият олиб борган бўлса, 1950 йилда уларнинг сони 7 тага кўпайган. 1950 йилнинг ўзида вилоятда иккита янги пахта тозалаш заводлари, жумладан, 5-сонли Қўғай ва Поп районида пахта тозалаш заводлари қурилиб фаолият бошлаган. Худудда жойлашган пахта тозалаш заводларининг 1948-1952 йилларда белгиланган ойлик, чораклик, йиллик режаларнинг бажариш ҳолатлари турли рақамларда акс этган.

1949- йилнинг якунига кўра Наманган вилояти пахта тозалаш заводларининг йиллик режани бажарилиши кўрсаткичлари (фоиз ҳисобида)⁸:

1-жадвал

№	Номи	Бажарилиши кўрсаткичи
1.	Меҳнат Қизил Байроқли Наманган 2- сон пахта тозалаш заводи	110
2.	3-4 сонли Наманган пахта тозалаш заводи	113
3.	7- сонли Норин пахта тозалаш заводи	105
4.	9- сонли Учқўрғон пахта тозалаш заводи	85
5.	Чуст пахта тозалаш заводи	84

⁵ Саноат янгиликлари // Сталин ҳақиқати 1948 йил - №121- Б-3

⁶ Норин пахта тозалаш заводида нега план бажарилмайди // Сталин ҳақиқати 1948- йил март -№ 48 –сон Б- 2

⁷ Саноат янгиликлари // Сталин ҳақиқати 1948 йил - №121- Б-3

⁸ Наманган вилоят Статистика Бошқармасининг вилоят саноат корхоналарининг халқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқарилиши бўйича 1949 йил якуний ҳисоботи.// Сталин ҳақиқати-1950 йил март - №45- Б-2

1951- йилнинг 2-чорагига кўра Наманган вилояти пахта тозалаш заводларининг чораклик режани бажарилиши кўрсаткичлари (фоиз ҳисобида)⁹:

2-жадвал

№	Номи	Бажарилиши кўрсаткичи
1.	Меҳнат Қизил Байроқли Наманган 2- сон пахта тозалаш заводи	130
2.	3-4 сонли Наманган пахта тозалаш заводи	118
3.	7- сонли Норин пахта тозалаш заводи	107
4.	9- сонли Учқўрғон пахта тозалаш заводи	173
5.	Чуст пахта тозалаш заводи	143
6.	5-сонли Қўғай пахта тозалаш заводи	87
7.	Гулбоғ пахта тозалаш заводи	128

1951- йилнинг 3-чорагига кўра Наманган вилояти пахта тозалаш заводларининг чораклик режани бажарилиши кўрсаткичлари (фоиз ҳисобида):¹⁰

3-жадвал

№	Номи	Бажарилиши кўрсаткичи
1.	Меҳнат Қизил Байроқли Наманган 2-сон пахта тозалаш заводи	93
2.	3-4 сонли Наманган пахта тозалаш заводи	85
3.	7-сонли Норин пахта тозалаш заводи	92
4.	9- сонли Учқўрғон пахта тозалаш заводи	30
5.	Чуст пахта тозалаш заводи	98
6.	5-сонли Қўғай пахта тозалаш заводи	129
7.	Гулбоғ пахта тозалаш заводи	60

1952- йилнинг 3-чорагига кўра Наманган вилояти пахта тозалаш заводларининг чораклик режани бажарилиши кўрсаткичлари (фоиз ҳисобида):¹¹

4-жадвал

№	Номи	Бажарилиши кўрсаткичи
1.	Меҳнат Қизил Байроқли Наманган 2-сон пахта тозалаш заводи	144
2.	3-4 сонли Наманган пахта тозалаш заводи	83
3.	7-сонли Норин пахта тозалаш заводи	117
4.	9- сонли Учқўрғон пахта тозалаш заводи	48
5.	Чуст пахта тозалаш заводи	90
6.	5-сонли Қўғай пахта тозалаш заводи	66
7.	Гулбоғ пахта тозалаш заводи	115

Юқоридаги маълумотларни таққослаш жараёнида шу нарса маълум бўладики 1948-1952 йилларда Наманган вилоятидаги пахта тозалаш заводларидаги энг юқори кўрсаткич 1951-йилнинг 2-чорагида қайд этилган. Лекин, қолган йилларда ҳам йиллик режани бажариш ҳолати ўртача 80 фоизни ташкил этгани маълум бўлади.

⁹ Наманган вилоят Статистика Бошқармасининг вилоят саноат корхоналарининг халқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши бўйича 1951 –йил 2- чораги бўйича ҳисоботи.// Сталин ҳақиқати- 1951 йил июн- № 223- Б-3

¹⁰ Наманган вилоят Статистика Бошқармасининг вилоят саноат корхоналарининг халқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши бўйича 1951 –йил 3- чораги бўйича ҳисоботи.// Сталин ҳақиқати- 1951 йил октябрь- № 345- Б-3

¹¹ Наманган вилоят Статистика Бошқармасининг вилоят саноат корхоналарининг халқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши бўйича 1952 –йил 3- чораги бўйича ҳисоботи.// Сталин ҳақиқати- 1952 йил сентябрь- № 325- Б-2

1948-1952 йилларда Наманган вилоятида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳиссаси бўйича артеллар муҳим ўрин тутди. Хусусан, тўнғич саноат корхоналаридан бири «Ўзбек текстил союз» (Ўзбекистон текстил уюшмаси) тасарруфидаги «Биринчи беш йиллик» артели бўлиб, у 1930 йилда ташкил этилган. Ушбу артелда асосан ёпинғич кўрпалар ва тўқувчилк маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. 1948- йилда ушбу артелда гулли ёпинғич кўрпалар ишлаб чиқариш ва палос тўқиш ҳажми кенгайтирилган. Совет ҳокимияти йилларида «Биринчи беш йиллик» артелида ишлаб чиқариш ҳажми ортиб борган. Шунингдек, маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига, фойда миқдори ошиб борган. Хусусан 1948- йилнинг дастлабки 4 ойида маҳсулот таннархи 5 фоизга камайтириш орқали 675 579 рубль фойда олинган. Шу йилнинг январ-апрел ойлари давомида 1947- йилнинг худди ши ойларига нисбатан 125 фоиз кўп одеял, қарийб 5 маротаба кўп газлама, 25 фоиз кўп ип ишлаб чиқарилган. Артелда 1948- йилнинг 1-ярим йиллик режаси 107 фоизга бажарилган. 1948 йил июл ойининг 15 кунда режадан ташқари 20 минг рубллик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

«Биринчи беш йиллик» артели сифатли маҳсулоти бўйича барча саноат корхоналарига намуна бўлган. Бундан ташқари артел ишчилари ўртасида «Стахановчилик» ҳаракати кенг ёйилган. Жумладан, артелнинг энг ёши улуғ тўқувчиси Мадазим ота Саркоров ва ип титувчиси Сожида Юсуповалар 8-9 ойлик меҳнат мажбуриятларини муддатидан олдин бажарганлар¹².

1948- йил 5- январда «Биринчи беш йиллик» артели таркибида 5 минг урчуқли ингичка ип йиғириш фабрикаси ташкил этилган. Бу янги фабрикани ишга туширилиши йилига 400 тонна ип ишлаб чиқариш имкониятини юзага келтирган¹³.

1951-йилнинг 9 ойи давомида «Биринчи беш йиллик» артели ишчилари тамонидан ишлаб чиқариш режаси 117,9 фоизга бажарилган. Натижада режадан ташқари 2 млн. 392 минг рубллик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Наманган вилоятининг яна бир йирик енгил саноат корхонаси – «Сталин» номидаги артел бўлган. Ушбу артелда асосан тўқувчилк маҳсулотлари, хусусан палос маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Совет ҳокимияти томонидан кенг қамровли равишда амалга оширилган тарғибот ва ташвиқоти натижасида айни артел ойлик, чораклик, йиллик режаларни муддатидан олдин бажариш бўйича худуддаги илғорлардан ҳисобланган. Масалан, 1949- йил 1-чорак учун белгиланган режани артел ишчилари ЎзКП (б)нинг X сезди шарафига 1-март санасигача бажариш мажбуриятини олган.

«Сталин» номли артел ишчилари ўртасида ҳам «Стахановчилик» ҳаракати кенг ёйилган бўлиб, М.Орифбоев, А.Абдуллаев, Р.Ғофуров, М.Мирзааҳмедова каби тўқувчилар кунлик меҳнат мажбуриятини 2 баробар ортиғи билан бажарганлар. Артел тўқувчилари кейинги йилларда ҳам меҳнат самарадорлиги бўйича вилоятнинг илғор артели сифатидаги ўрнини сақлаб қолган¹⁴. Масалан, 1951 йил 25 декабрда йиллик режа ўз муддатидан олдин бажарилган. Ҳамда, артел тўқувчилари йил якунига қадар яна 250 минг рубллик маҳсулот ишлаб чиқариш ташаббуси билан чиққан. Шунингдек, артелнинг атлас тўқиш цехи тўқувчиси Собиржон Ғофуров 1952 йил учун белгиланган меҳнат мажбуриятини 118,8 фоизга бажариб, режадан ташқари 54 метр сифатли шоҳи атлас матосини тўқиб берган.

Намангандаги кўпгина артелларда атлас тўқиш цехлари мавжуд бўлган. Уларда шоҳи атлас тўқувчи хунармандлар фаолият олиб борган. Жумладан,

« Янги ривожия » номли артел кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ушбу артел таркибида шоҳи атлас тўқиш цехи ҳам мавжуд бўлган. Ушбу артелда шоҳи атлас

¹² 1-беш йиллик артели яна олдинда // Ф.Юдакина. Сталин ҳақиқати 1948 йил июл 134- Б-3

¹³ 1-беш йиллик артели яна олдинда // Ф.Юдакина. Сталин ҳақиқати 1948 йил июл 134- Б-3

¹⁴ Илғор артелда бир кун // ЮХайдаров // Сталин ҳақиқати 1948- йил март -№106 Б-2.

тўқиш режаси (1947-йил 1-ярим йиллик) 82 фоизга бажарилган. Кейинги йил ишлаб чиқариш унумдорлиги кўпайиб, 1948- йилнинг 1-ярим йиллик режаси 129,7 фоизга бажарилган. Натижада ҳукуматга қўшимча 97 минг рубллик маҳсулот топширилган.

Наманган вилоят хунармандлар иттифоқи тасарруфидаги «С.М.Киров» номли артелда ҳам шоҳи атлас тўқиш ишлари яхши йўлга қўйилган эди. Ушбу артелнинг моҳир атлас тўқувчиларидан бири – Тожихон Ғофурова 1948 - йил июн ойи учун белгиланган 140 метр ўрнига 250 метр шоҳи атлас тўқиган. Меҳнат мажбуриятини ортиғи билан бажариш ушбу артелнинг бошқа цехларида ҳам кенг йўлга қўйилган эди. Масалан, артелнинг найчалаш цехи ишчиси Д.Ғаниева кунлик топшириқни 220-250 фоизга бажарган¹⁵.

Наманган шаҳрида жойлашган «Хамза» номли артелда ҳам беқасам атлас тўқиш йўлга қўйилган эди. Артелнинг моҳир тўқувчилари Қўчқор Қирғизов, Саодат Каримовалар 1949-йил июл ойида кунига 9-10 метр беқасам атлас тўқиб кунлик режани 140-160 фоизга бажарганлар. Артел ишчиларининг ташаббуси билан чиқинди маҳсулотлардан палос тўқиш янгилик сифатида ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этилган¹⁶.

Наманган тўқув-йигирув фабрикасида асосан ип маҳсулотлари ва тўқилган газлама тайёрланган. Ушбу фабрикада 1951 йил сентябр ойида ойлик режа 107,2 фоизга бажарилган. Шунингдек, режадан ташқари 19 800 метр қўшимча мато тўқилган. Фабриканинг ип йигириш бўйича 1951 йил сентябр ойи учун белгиланган режаси 116,7 фоизга бажарилган. Ушбу корхонада ишлаб чиқариш жараёнларига янгиликлар жорий этиб борилган. Хусусан, фабрика бош муҳандиси Мурод Қодировнинг ташаббуси билан қўлланилиб келинаётган 45 грамм ип ўрайдиган мокилар ўрнига 100 грамм ип ўрайдиган мокилар тайёрланиб ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган. Ушбу янгиликнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида меҳнат унумдорлиги 2-2,5 баробарга ортган. Натижада, йилига 1 млн. 913 минг рубль қўшимча даромад олишга ҳам имконият яратилган¹⁷. Наманган вилояти корхоналаридан ҳисобланган 6-сонли тикувчилк фабрикаси асосан трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқарган.

Наманган вилоятидаги пойабзал фабрикасида ва «Облинкоопсоюз (Вилоят инвалидлар кооперацияси уюшмаси)» тасарруфидаги «Иттифок» артелида оёқ кийимлар ишлаб чиқарилган. «Иттифок» артелида 1949-йилнинг беш ойлик режаси муддатидан олдин бажарилган. Бундан ташқари артел таркибида йил давомида янги цехлар ташкил этилган. Хусусан, 1949 йилнинг май ойида янги оёқ кийимларни бўяш цехи ишга туширилган. 1949 йил июл ойига келиб артелда кигиз босиш цехи ҳам ишга туширилган. Натижада, артелда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг турлари кўпайган.

Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар нафақат вилоят маркази бўлган Наманган шаҳрида балки вилоятининг туманларда ҳам ташкил этилган. Масалан, «Победа» артели Наманган туманида фаолият олиб борган, анъанавий хунармандчилик яхши ривожланган Чуст туманида «Узхудожник промсоюз» (Ўзбекхунарманд саноат уюшмаси) тасарруфидаги «1-май» артели фаолият олиб борган.

«1-май» артелида асосан чуст дўппилари тайёрланган. Ушбу артелда ишлаб чиқарилган дўппилар 1948-йилда Тошкент шаҳридаги Нафис санъат академиясида бўлиб ўтган санъат декасида юқори баҳоланган. Бундан ташқари ушбу артелда тайёрланган дўппилар қўшни республикаларда ҳам кенг ёйилган эди.

Совет ҳукумати томонидан артел ишчилари орасида кунлик, ойлик меҳнат мажбуриятларини ортиғи билан бажариш ҳаракати оммалаштирилган. Масалан, артелнинг моҳир дўппи тикувчи

¹⁵ Саноат янгиликлари.// Сталин ҳақиқати -1948- йил июнь-№ 212-Б-3

¹⁶ Хунармандлар совғаси.//Н.Исмаилов // Сталин ҳақиқати -1949 йил июл -№142- Б-3

¹⁷ Саноат янгиликлари.// Сталин ҳақиқати -1951- йил сентябрь-№ 325-Б-3

чеварларидан бири Сорабиби Бойбобоева 1949 йил январ ойи учун белгиланган режани 170 фоизга бажарган. «Қизил куч» артели хунармандлари тамонидан 1952 йил учун белгиланган йиллик режа шу йилнинг 15 ноябр куни муддатидан олдин 102 фоизга бажарилган. Ушбу артел хунармандлари бу билан чекланмасдан йил якунига қадар яна 468 минг рубллик маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш ташаббусларини ҳам илгари сурган¹⁸.

Наманган вилоятида 1948-1952 йиллар давомида фаолият олиб борган енгил саноат корхоналари совет ҳокимиятининг турли тизимлари тасарруфидаги корхоналар бўлиб, улар вилоят иқтисодий ҳаётида ўзига хос ўрин тутган. Масалан, 1949 йил якунига кўра, енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича белгиланган режани вилоят маҳаллий саноат бошқармаси тасарруфидаги корхоналар – 87 фоизга, хунармандлар уюшмаси тасарруфидаги корхоналар – 104 фоизга, республика қарамоғида бўлган артеллар – 102 фоиз га бажарган¹⁹.

Бироқ, айрим корхоналар маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича белгиланган режани бажара олмаган. Жумладан, «Восток» номли артел – янги пойафзал, ипак матолар тайёрлаш бўйича, «Й.Охунбобоев» номли артел – тери маҳсулотлари ва газлама тайёрлаш бўйича, «Қизил армия» номли артел – янги пойабзал тайёрлаш бўйича, «1-беш йиллик» артели – ёпинғич кўрпалар тайёрлаш бўйича, «Янги ривожия» артели – ёпинғич кўрпалар ва ипак маҳсулотлари тайёрлаш бўйича, «III интернационал» номли артел – ички трикотаж кийимлари тайёрлаш бўйича, «Иттифок» номли артел – янги пойабзал тайёрлаш бўйича йиллик режаларни бажара олмаган. Умумий қилиб ҳисобланганда 1949-йил учун Наманган вилоятидаги енгил саноат корхоналари маҳсулотларни ишлаб чиқариш режасини қуйидагича бажарган. Хусусан, ип газлама ишлаб чиқариш - 103фоиз, ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш - 94 фоиз, қаттиқ тери – чарм тайёрлаш – 26 фоиз, юпка тери-чарм тайёрлаш – 85 фоиз, янги пойафзал ишлаб чиқариш - 41фоизга бажарилган, холос²⁰.

Шунингдек, 1951- йилнинг 3-чорагида Наманган вилоятидаги енгил саноат корхоналари тамонидан маҳсулот ишлаб чиқариш режаси тўлақонли бажарилмаган. Масалан, ипак матолар ишлаб чиқариш бўйича режа - маҳаллий саноат бошқармаси тасарруфидаги корхоналар тамонидан – 62 фоизга, хунармандлар кооперацияси тасарруфидаги корхоналар тамонидан 65 фоизга, ногиронлар кооперацияси уюшмаси тасарруфидаги корхоналар тамонидан - 92 фоизга бажарилган. Бундан ташқари, қаттиқ чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича режа - маҳаллий саноат бошқармаси тасарруфидаги корхоналар тамонидан -131фоизга, ногиронлар кооперацияси уюшмаси тасарруфидаги корхоналар тамонидан - 142 фоизга бажарилган. Янги кўн пойафзал тайёрлаш бўйича режа эса, маҳаллий саноат бошқармаси тасарруфидаги корхоналар тамонидан - 110 фоизга, хунармандлар кооперацияси тасарруфидаги корхоналар тамонидан – 65 фоизга, ногиронлар кооперацияси уюшмаси тасарруфидаги корхоналар тамонидан - 107 фоизга бажарилган²¹.

Енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 1952 йилнинг 3- чорак учун белгиланган режалари Наманган вилоятидаги енгил саноат корхоналари тамонидан бажарилиши бўйича, ипак маҳсулотларини тайёрлаш режаси – 88 фоизга бажарилган. Жумладан, вилоят маҳаллий саноат бошқармаси тасарруфидаги корхоналар тамонидан 84 фоизга, хунармандлар уюшмаси тасарруфидаги корхоналари тамонидан 84 фоизга, ногиронлар кооперацияси уюшмаси

¹⁸ Хунармандларнинг катта химмати // Ю.Рахимов// Сталин ҳақиқати.- 1948 йил -№121-Б-2

¹⁹ Наманган вилоят Статистика Бошқармасининг вилоят саноат корхоналарининг халқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши бўйича 1949 йил якуний ҳисоботи.// Сталин ҳақиқати-1950 йил март - №45- Б-2

²⁰ Наманган вилоят Статистика Бошқармасининг вилоят саноат корхоналарининг халқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши бўйича 1949 йил якуний ҳисоботи.// Сталин ҳақиқати-1950 йил март - №45- Б-2

²¹ Наманган вилоят Статистика Бошқармасининг вилоят саноат корхоналарининг халқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши бўйича 1951 –йил 3- чораги бўйича ҳисоботи.// Сталин ҳақиқати- 1951 йил октябрь- № 345- Б-3

тасарруфидаги корхоналари томонидан 94 фоизга бажарилган. Шунингдек, ички трикотаж маҳсулотларини тайёрлаш режаси 84 фоизга бажарилган. Масалан, 6-сонли тикувчилк фабрикаси тамонидан – 140 фоизга, ногиронлар кооперацияси союзи тасарруфидаги корхоналар томонидан 84 фоизга, қаттиқ тери маҳсулотларини тайёрлаш режаси – 22 фоизга, ногиронлар кооперацияси союзи тасарруфидаги корхоналар тамонидан- 22 фоизга, юмшоқ тери маҳсулотларини тайёрлаш режаси – 141 фоизга бажарилган. Ҳамда, ногиронлар кооперацияси союзи тасарруфидаги корхоналар тамонидан – 141 фоизга, янги пойафзал маҳсулотларини тайёрлаш режаси – 138 фоизга, маҳаллий саноат бошқармаси тасарруфидаги корхоналар тамонидан – 124 фоизга, хунармандлар уюшмаси тасарруфидаги корхоналар томонидан – 124 фоизга, ногиронлар кооперацияси союзи тасарруфидаги корхоналар томонидан 167фоиз га бажарилган²².

Хулоса

1948-1952- йилларда фаолият олиб борган энгил саноат корхоналаридаги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари, унга янгиликлар жорий этилиши, кўшимча муассасаларнинг барпо этилиши жадаллик билан амалга оширилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари турли мусобақалар ва ҳаракатлар ташкил этиш орқали кўпайтириб борилган. Шунингдек, энгил саноат корхоналари ишчилари ўртасида коммунистик мафқурани мустаҳкамлаш жараёнлари ҳам мунтазам амалга оширилган. Айни жараёнда энгил саноат корхоналари бошланғич партия кўмиталарига таянган.

Наманган вилоятидаги энгил саноат корхоналари халқ истеъмоли учун кенг турдаги маҳсулотлар, хусусан ип газламадан тортиб гилам, палос, одеяллар, ипак матолар, дўппи, пойабзаллар ва бошқа турдаги тери маҳсулотлари ишлаб чиқарган. Бироқ, ишлаб чиқарилган кўп турдаги маҳсулотлар вилоят аҳолиси манфатлари ва эҳтиёжларига сарф қилинмаган. Аксинча, марказ манфаатлари инобатга олинган. Шунга қарамадан, наманганлик уста хунарманд тўқувчилар, тикувчилар, этикдўз пойабзалчилар, дўппидўз чеварларнинг фидокорона меҳнатлари вилоятнинг, маҳаллий саноати кўрсаткичларини ортиши туртки берган. Мавжуд ҳукумат томонидан имкониятларнинг чегараланганлиги Наманган вилоятида энгил саноат тармоғини етакчига айланишига имкон бермаган.

Миллий истиклол йилларида олиб борилган ислохотлар ва яратилган имкониятлар натижасида Наманган вилоятидаги энгил саноат тармоғи вилоят саноатининг драйверига айланди. Бугунги кунда вилоятда фаолият олиб бораётган энгил саноат корхоналари нафақат вилоят иқтисодиётида балки республика иқтисодиётида ҳам ўзига хос ўрин тутиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати;

1. Ўзбекистон ССР Олий Советинининг 1950 йил 12 июндаги “Ўзбекистон ССР худудида янги районларни ташкил этиш тўғрисида” ги қарори.//Сталин ҳақиқати.-1950 йил июн 155- сон Б-1
2. Саноат янгиликлари // Сталин ҳақиқати. – 1948 йил, июнь. №121. – Б.1.
3. СССР Халқ Комиссарлар Советининг “ 1946-1953- йилларда Ўзбекистон ССРда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада ривожлантириш тўғрисида” ги қарори.// Правда Востока.-1946- йил март .№23 –Б-1
4. Йиллик режани 7- ноябргача бажарамиз // Сталин ҳақиқати. – 1948 йил, октябр. – № 147. – Б.2.

²² Наманган вилоят Статистика Бошқармасининг вилоят саноат корхоналарининг халқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши бўйича 1952 –йил 3- чораги бўйича ҳисоботи.// Сталин ҳақиқати- 1952 йил октябръ- № 339- Б-2

5. Норин пахта тозалаш заводида нега план бажарилмайди // Сталин ҳақиқати 1948- йил март - № 48 –сон Б- 2
6. Наманган вилоят Статистика Бошқармасининг вилоят саноат корхоналарининг халқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 1949 йил якуний ҳисоботи.// Сталин ҳақиқати-1950 йил март - №45- Б-2
7. Наманган вилоят Статистика Бошқармасининг вилоят саноат корхоналарининг халқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 1951 –йил 2- чораги бўйича ҳисоботи.// Сталин ҳақиқати- 1951 йил июн- № 223- Б-3
8. 1-беш йиллик артели яна олдинда.// Ф.Юдакина. Сталин ҳақиқати- 1948 йил июл 134- Б-3
9. Илғор артелда бир кун // ЮХайдаров //Сталин ҳақиқати 1948- йил март -№106 Б-2.
10. Саноат янгиликлари.// Сталин ҳақиқати -1948- йил июнь-№ 212-Б-3
11. Хунармандлар совғаси.//Н.Исмаев // Сталин ҳақиқати -1949 йил июл -№142- Б-3
12. Саноат янгиликлари.// Сталин ҳақиқати -1951- йил сентябрь-№ 325-Б-3
13. Хунармандларнинг катта ҳиммати // Ю.Рахимов// Сталин ҳақиқати.- 1948 йил -№121-Б-2
14. Наманган вилоят Статистика Бошқармасининг вилоят саноат корхоналарининг халқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 1952- йил 3-чораги учун ҳисоботи. // Сталин ҳақиқати- 1952 йил октябрь- № 335- Б-3